

# **Шеробод ҳамда Бойсун тумани фуқароларининг суд-ҳуқуқ масалалари бўйича мурожаатлари ТИНГЛАНДИ**



Бугун, Шеробод тумани “Катта ҳаёт” маҳалласида жойлашган “З.М.Бобур” номли истироҳат боғида Бойсун ва Шеробод туманлари фуқаролари учун оммавий қабуллар ўтказилди. Оммавий қабулларда суд-ҳуқуқ масалалари бўйича Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий суд, Президент Халқ қабулхонаси, Судялар олий кенгashi, Бош прокуратура ҳамда Божхона қўмитаси масъуллари томонидан ташриф буюрган фуқароларнинг мурожаатлари қабул қилинди. Мурожаатларнинг айримлари ижобий ҳал этилган бўлса, айримларига ҳуқуқий тушунтириш берилди, муддат талаб этадиган масалалар бўйича масъулларга кўрсатма берилиб, ижроси назоратга олинди.